

Аёрхо бинти Хонид (Мусонинг оналари) (иккинчи мақола)



15:00 / 30.12.2020 2327

Ҳомиладорлик ва қўрқув

Болалар учун ўлим йили бошланиши билан Аёрхо яна ҳомиладор бўлди. Билардики, агар ўғил туғилса, аскарлар уни ўлдиради! Қалбига қаттиқ қўрқув тушди. Қўшнисини эслади. Шайтон васваса қилди: «Ҳозир болангни туғасан, Фиръавн аскарлари уни қўлингдан олади, кўзинг олдида ўлдирадилар, бундан кўра ўзингни Нилга ташлагин! Бирга ўласан! Кўз олдингда болангинг сўйилиш манзарасини кўтаролмайсан!» Аёрхо шайтон васвасасидан Аллоҳдан паноҳ сўради.

Бир куни коҳин Фиръавн олдига кириб шундай деди: «Бу йил ўша бола туғилади. У сендан подшоҳликни тортиб олади. Сенинг устингдан ғалаба

қилиб, ўз ерингдан чиқаради, динингни ҳам ўзгартиради».

Фиръавн тезликда ҳомиладор аёлларни аниқлашга тушди. Аллоҳнинг ҳикматларидан бири шуки, бошқа ҳомиладор аёлларга ўхшаб Аёрхонинг ҳомиласи билинмади. Унинг қорнига ҳомилани аниқлаш учун қўлларини қўйишганида ҳомила орқага беркинарди. Аёлнинг орқасига қўлларини қўйишганида олд томонга беркинарди. Ойлар ўтиб боланинг туғилиш вақти яқинлашди. Кунлар сайин онанинг қўрқуви кучаярди. Ҳомиласини кўриб қолишларидан, Фиръавн одамлари билиб қолишларидан чўчирди. Аллоҳ таолодан икки жонни саломат сақлашини ва Ўз паноҳида асрашини умид қиларди. Туғилиш вақти яқинлашди. Аёрхо уйга беркиниб олди. Қараса, ўғил! Қалбини қаттиқ қўрқув чулғади. Болани маҳкам бағрига босиб эмизди. Аллоҳ болани қандай қутқаришини илҳом билан қалбига солди. Ўғлини сандиқда Нилга оқизиб юборди. Аллоҳ таоло айтди:

مَّيْلًا يَفِيهِ قَوْلَ أَفْهَيْ لَعَنَ تَفْخِ إِذْ فَهَيْ عَصْرًا نَأَسُ وَمُأْتَلًا أَنْ يَحْوَ وَأَوْ
نِي لَسْرُ مَلَانِمُ هَوْلَ عَجْوِ كَيْ لِي هُوَ دَارَانِ يَنْزَحَاتِ الْوَيْفَاتِ الْو

«**Биз Мусонинг онасига** (Мусони туғиб, уни ҳам Фиръавн одамлари келиб ўлдиришларидан қўрқиб турган пайтида) **ваҳий қилдикки: «Уни эмизавергин. Бас, қачон** (Фиръавн одамлари ўғил кўрганингни билиб қолиб, уни ўлдириб кетишларидан) **қўрқсанг, уни дарёга ташлагин ва қўрқмагин ҳам, қайғурмагин ҳам. Зеро, Биз уни сенга** (яъни, тирик ҳолида) **қайтаргувчидирмиз ва уни пайғамбарлардан қилгувчидирмиз»** (Қасос сураси, 7-оят).

Онаизор кўзлари тўла ёш билан сандиқ ортидан кузатиб қолди.

Гўдак Нил дарёсида Аллоҳнинг муҳофазасида оқиб борарди. Аллоҳ энг яхши муҳофазаловчи ва раҳмли Зотдир. Сандиқча Фиръавн қасри ёнида тўхтади. Подшоҳнинг аёли уни кўриб, югуриб келди ва ичидаги болани кўтариб олди. Қалбига боланинг муҳаббати тушди. У туғмаган, фарзандсиз аёл эди.

لِحَاسٍ لِبَابِ مَيْلًا هَوْلَ قَوْلِي لَفِي مَيْلًا يَفِيهِ فِدْقُ أَفْتِ وَبَاتِ لِي يَفِيهِ فِدْقُ أَنْ
يَنْعَى عَيْلَ عَن صُتْلَوِي نَمَّ هَبَّ حَمَّ كَيْ لِي عُنْ قَوْلِ أَوْ هَلْ وَدَعَوِي لُ وَدَعُو دُحْ أَي

«**Уни** (яъни, Мусони) **сандиққа солиб дарёга ташлагин. Бас, уни дарё** (тўлқини) **соҳилга отсин.** (Шунда) **уни Менинг ҳам, унинг ҳам душмани - Фиръавн ушлаб олур».** (Эй Мусо, барчага суюкли бўлишинг) **ва Менинг ҳифзу ҳимоямда униб-ўсишинг учун Мен сенинг устингга Ўз томонимдан бир муҳаббат ташладим** (яъни, сени кўрган киши суюб

